



# ХАВАР

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги нашри

1992 йил мартдан чиқа бошлаган

2000 йил, 7 апрель, жума № 13 (396)

Сотувда нархи эркин

## РАҲБАРЛИК — ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТДИР

«Агарки, биз раҳбарлар мамлакатимизда, дунёда бўлаётган иқтисодий жараёнлардан огоҳ бўлмасак, бу жараёнлар эртага нимага олиб келиши мумкинлигини олдиндан сезмасак, уни тўғри баҳолай олмасак, бугун эришган ютуқларимизга махлий бўлиб хотиржамликка берилсак, ютқазамиз.

Тиним билмай, хотиржамликка берилмай, доимо изланиш, изланиш ва яна изланиш, тadbиркорлик, ташаббускорлик, ишбилармонлик ҳисобидан яшашимиз керак.

Элим деб, юртим деб, ёниб яшаш ҳар биримиз учун ҳаёт мазмунига айланиши даркор».

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам ҚАРИМОВнинг 2000 йил 11 февраль кuni Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида қилган маърузасидан.

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги Бош директори Фатхулла Саъдуллаевич АБДУЛЛАЕВ билан сўхбат.

— Фатхулла Саъдуллаевич, ҳозирги кунда тармоқда раҳбар ходимлар билан ишлаш аҳолини қандай баҳолаган бўлардингиз?

— Барча даврларда ҳам, жаҳонга машҳур булган ҳужалик ва бошқарув тизимларида раҳбар ходимлар ҳамда етакчи мутахассислар — бошқарув ташкилотчиси, ташаббускор, ишга ва жамоа аъзоларига жавобгар шахс сифатида катта роль ўйнаб келганлар. Раҳбарга катта ҳуқуқ берилади, шунга яраша мавжуд меъёр ва қонунларга амал қилган ҳолда катта самара ҳам талаб қилинади. Раҳбарга юқори талаблар қўйилади — ишни муваффақият билан олиб бориш, ишлаб чиқаришни ривожлантириш ва такомиллаштириш, жамоада ишчанлик ва аҳиллик муҳитини яратиш, шахсий намуна ҳамда фидокорлик курсатиш шулар жумласидандир.

Мустақиллик йиллари бозор муносабатларига ўтиш шароитида кадрлар билан ишлаш масаласига жиддий эътибор берилмоқда. Бу нарса Олий Мажлис қабул қилаётган қонунлар, Президентимиз И. А. Қаримовнинг нутқлари ва ёзган асарларида узифодасини топмоқда. Раҳбар ходимларнинг сафи қобилиятли ёшлар билан тўлдирilib борилиши табиий ҳолдир. Шу боис, раҳбарлик лавозимларига ёшларни тайёрлаш муҳим масаладир.

Почта ва телекоммуникация соҳасида раҳбар ходимларга бўлган талаб белгиланган бир қатор тadbирларда уз ақсини топмоқда. Бошқарувнинг маъмурий-буйруқбозлик усулларидан бозор ва демократик усулларига ўтиш даври раҳбарнинг иши ва мақомига уз тасъирини ўтказида. Бир томондан унга қонун билан катта ҳуқуқлар берилган ва бундан у мустақил фойдаланиши мумкин, бошқа томондан эса раҳбар бозор талабларидан келиб чиқиб, қатор талабларга ҳам жавоб бе-

риши керак.

Тармоқда шундай лавозимлар борки, унга раҳбар тайинланади, яна шундайлари ҳам борки, бунда раҳбар ё жамоа аъзолари томонидан сайланади ёки шартнома асосида маълум муддатга тайинланади. Ҳар қандай шароитда ҳам корхона манфаати асосий мезон ҳисобланади.


Мамнурият билан айтиш мумкинки, тармоқда асосий раҳбарлик лавозимларида уз ишини пухта биладиган, ташаббускор кишилар ишлапти. Шу боис, кўпгина иқтисодий, ишлаб чиқариш ва техникавий масалалар муваффақият билан ҳал қилинмоқда.

Ҳаттоки, чет эллик ҳамкорларимиз ҳам раҳбарларимиз ва мутахассисларимиз олиб бораётган ишларни юқори баҳолашмоқда. Кейинги йилларда телекоммуникация тармоқларини ривожлантириш ва тубдан узгартириш борасида йирик лойиҳалар амалга оширилдики, бу ишларда раҳбарлар ҳал қилувчи роль ўйнади. Биз бунга қадраймики, шу билан бирга масъулиятни тула ҳис қилмайдиган, уз лавозимига янгича ёндошмаётган раҳбарлар ҳам учраб турибди. Баъзилар маълум муддатгача сайлашдимми (ёки ёллашдимми) демак, ана шу муддат ўтгунича ҳеч ким иш натижаларига тааллуқли талаблар қўяолмайди, деб ҳисоблашади.

Қонунда бундай раҳбарларга тасъир ўтказиш учун зарур имкониятлар яратилган. Утган 1999 йили «Маҳаллий Телеком» АК дан турли сабабларга қура беш нафар раҳбар ходим эгзаллаб турган лавозимдан четлатилди.

Фактлар йиғилди, ҲЖ ва корхоналарда кадрлар масаласини ҳал қилиш зарурати тугилди ва қарор қилинди. Бундай қарорларни қабул қилишга нима сабаб бўлди? Бу кишилар узоқ йил раҳбарлик лавозимини эгзаллаб-

(Давоми 2-бетда.)



Икки олам бир қадам.

Т. ЛУТФУЛЛАЕВ олган сурат

## ҲАЙЪАТ ЙИҒИЛИШИДА

Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигининг навбатдаги ҳайъат йиғилиши бўлиб ўтди. Уни агентлик Бош директори Ф. Абдуллаев бошқарди. Йиғилишда қатор масалалар кўриб чиқилди. «Кичик ва ўрта тadbиркорликни ривожлантириш ҳақида» ҳамда «Акциядорлик компаниялари ва қўшма корхоналардаги давлат ишончли вакилларининг ҳисоботи тўғрисида» агентлик бозор ислохотлари ва қимматбаҳо қозғолар бўлими бошлиғи Х. Соатов маъруза қилди. Маърузачи агентликда кичик ва ўрта тadbиркорликни ривожлантириш борасида маълумот берад экан, бу борада олиб борилган ишлар ва йул қўйилаётган камчиликлар ҳақида тўхтади. Шунингдек, акциядорлик компаниялари ва қўшма корхоналардаги давлат ишончли вакиллари 1998-2000 йиллар

мобайнида амалга оширган ишлари хусусида ҳам маълумот берди.

«Ходимлар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш ва дам олиши учун мулжалланган, ижтимоий аҳамиятга эга объектларни мавсумга тайёрлашнинг бориши тўғрисида» «Маҳаллий Телеком» акциядорлик компанияси бош директори А. Журабевнинг маърузаси тингланди. Маърузачи бу борада олиб борилиши лозим булган юмушлар тўғрисида тўхталиб ўтди.

«Соғлом авлод йили» буйича дастур лойиҳаси ҳақида ва Ўзбекистон Республикаси алоқа ходимларининг «Соғлом авлод йили»га бағишланган спартакиадасини ўтказиш шартлари» тўғрисида Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси Марказий Қўмитаси раиси Т. Назаржонов маъруза қилди. Маърузачи агентлик ва Марказий Қўмита билан биргаликда «Соғлом ав-

лод йили» буйича тadbирлар дастури лойиҳаси ишлаб чиқилганини айтиб ўтди.

«УРК-2000 Умумжаҳон радиоалоқа конференциясига тайёрларликнинг бориши тўғрисида»ги масала буйича Радиочастоталар давлат қўмитаси раиси уринбосари К. Конаваловнинг маълумоти тингланди.

«Телекоммуникациялар хизматлари тарифларини тартибга солиш Низоми» ҳамда «Телекоммуникациялар хизматлари руйхатларини агентлик томонидан тартибга солинувчи тарифлар ва ҳужалик субъектлари томонидан ўрнатилувчи тарифлар лойиҳалари тўғрисида» агентлик маркетинг тартибга солиш бўлими бошлиғи Ю. Мухчи маълумот берди.

Ҳайъатда қўрилган барча масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

И. АҲМЕДОВ

## ОЛАМДА НИМА ГАП?

— Янсеуликлар — Воксёллар — Хабарлар

• Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисида йиғилиш бўлиб ўтди. Уни Ижтимоий масалалар ва бандлик қўмитаси раиси О. Мусурмонова бошқарди. Мажлисда «Аҳолини иш билан таъминлаш тўғрисида»ги Қонуннинг Сурхондарё вилоятида қандай бажарилаётганлиги кўриб чиқилди.

• Республика таълим марказида Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази томонидан ташкил этилган «Ўзбекистон Республикасида тест синовларини ўтказишнинг бугунги аҳоли ва ривожланиш муаммолари» мавзuida илмий-амалий конференция бўлиб ўтди.

• Навоий шаҳрида аждодлар ёдини абадийлаштириш мақсадида Хотира майдони қурилиши бошланди.

• Литва Президентини Вилдас Адамкуснинг таклифига биноан НАТОнинг Европадаги қуролли кучлари Бош қўмондонини Уэсли Кларик Вилдасга ташриф буюрди.

• Покистонда Яман фуқароси бўлган Аҳмад Абдулла исмли шахс халқаро террорчи Усама бин Ладеннинг экстремистик гуруҳларига алоқадорликда айбланиб қўлга олинди.

• Май ойида Ҳиндистон аҳолиси сони бир миллиарддан ошади. Ҳисоб-китобларга қура, 11 май кuni мамлакатнинг бир миллиардчиди фуқароси расман руйхатга олинади. Ҳиндистон режалаштириш комиссияси қoшидаги аҳоли сони ўсишини режалаштириш буйича махсус гуруҳ вакили шу ҳақда маълум қилди.

(Боши 1-бетда.)

# РАҲБАРЛИК — ИШОНЧ ВА МАСЪУЛИЯТДИР

туришган, кўпгина яхши ишлар қилиб улгуришган, обрў-эътибор ортиришган эди-ку! Шундай бўлса-да, лавозимларини келтиришди. Сабаби — уш шайнинг билдирилган танқидий фикрларга энгил-елли муносабатда бўлдилар, амалий чоралар билан корхоналаридаги аҳолини яхшиламадилар ва уз амал курсида ҳеч қандай ташаббус курсатмай утиравердилар. Баъзи раҳбарлар суистеъмоличликка йўл қўйдилар, қонун талабларига жиддий эътибор бермадилар, пухта таҳлил қилмай ҳамкорлар билан шартномалар тузиб, корхонанинг иқтисодий аҳолини танг ҳолатга келтириб қўйдилар. Характерлик томони шундаки, маблаг танглиги сурункали давом этиб, иш ҳақини вақтида тўлай олмаётган корхона раҳбарлари янги, қимматбаҳо автомобиллар, мебеллар сотиб олишмоқда. Корхонага зарур бўлмаган қимматбаҳо хизмат турларидан фойдаланмоқдалар.

## — АНИК МИСОЛЛАР БОРМИ?

— Уларнинг исм-шарифларини айтмай қўялоқ. Иккита корхонада аудиторлик текширувлари натижасида айрим-нуқсонлар, жумладан, келишувларни расмиёлаштириш борасида камчиликлар аниқланди. Натижада

битта раҳбар гарчи пенсияга чиқишига бир неча ой қолган бўлса ҳам, лавозим билан хайрлашди. Бошқа далил ҳам эътиборга молик. Март ойининг бошида «Халқаро Телеком» АК Кузатув Кенгашининг мажлисида катта корхонанинг обрўли раҳбарини ишдан бушатиш ҳақида қарор қабул қилинди. Нима сабабдан?

У раҳбарлик қилган корхона телекоммуникация тармоғида муҳим роль ўйнайди, лекин янги шароитларда унинг иқтисодини мустаҳкамлаш, техника воситаларини янгилаш, билимдон мутахассисларнинг моддий манфаатдорлигини ошириш борасидаги қатор муҳим муаммолар ҳал этилмади. Мумкин бўлган барча чоралар қилинди, раҳбардан ташаббус кутилган эди. У бўлмади. Корхонага амалий ёрдам курсатилмаётгани ҳақидаги эътирозлар бўлаверди. Тарифларни қисман ошириш масаласи ҳам қўйилди. Муҳим мажлисларга келмай қўйди, кенгашларга қатнашиши ҳақидаги таклифларга бепасанд қаради, аҳолини яхшилаш урнига компания ва алоқа корхонасида «бугундай» ажралиб чиқиш ҳақида хатлар ёза бошлади. Маркетинг ишлари билан танишувга борган мутахассисларни корхонага

киритмади. Корхона муаммоларни тезда ҳал қилиш заруратини сезганича қолаверди. Натижада Кузатув Кенгаши раҳбарнинг аввалги обрўси ва хизматларига қарамай, шундай қарор қабул қилишга мажбур бўлди.

Иккита характерли ҳолат: биринчиси, шу мажлисга таклиф этилганга қарамай, раҳбар мажлисга келмади. Иккинчиси, Кузатув Кенгашига қарама аъзолари уни ишдан бушатиш ҳақида овоз бердилар, биргина одам бетараф қолди. Биз учун бу мисол, раҳбарнинг аввалги хизматлари қандай бўлганлигидан қатъий назар, талаб барчага баробар эканлигини эслатиб туради.

Тармоқда яна бир хил тоифадаги раҳбарлар ҳам учрайди. Улар мажлисларга келишади, уз шайнига айтилган гапларни эшитишади, ваъда беришади, лекин амалий чора қўрмайди. Баъзи вилоятларда ишга қабул қилиш масалаларида раҳбарларнинг маҳаллийчилик ва қариндош-уруғчиликка катта эътибор бераётганликлари ҳам учраб турибди. Жиҳозларни сотиб олиш, шартнома асосида телефон урна ташкил масалаларида нархларни асосиз, юқори қилиб курсатаётган раҳбарлар ҳам учраб туради. Бизнинг вазирамиз — кадрлар билан,

айниқса, раҳбар ходимлар билан ишлашни кучайтириш. Шу мақсадда Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлигида умумий ва аниқ тадбирлар белгиланган.

— **Фатхулло Саъдуллаевич, кадрлар билан ишлашни яхшилаш борасида яна қандай таклиф ва мулоҳазаларингиз бор?**

— Баъзи ҳолатлари қайд этиб ўтиш мумкин. «Алоқа тасви» фахрий унвонини бериш тажрибасини сақлаб қолиш мақсадга мувофиқмикин? Таъриба эса шундай: бирон раҳбар «юбилей» ёшига етиши билан унга бу фахрий унвон берилиши ҳақида тавсиянома келлади. Ҳозир бу фахрий унвон соҳиблари орасида оддий ишчилар ва мутахассислар ҳам, раҳбарлар эса купчиликни ташкил этади. Шу боис ҳам номзодларни, айниқса, раҳбар ходимларни муқофотларга тавсия этиш ва танлаш масаласига жиддий эътибор бериш керак деб ўйлайман. Яна бир далилни айтиб ўтиш жоиз. Бу — мустақиллигимиз шарофати тўғрисидаги давлатларга хизмат сафарига масаласидир. Кўпгина раҳбарлар ва мутахассислар чет элга хизмат сафарига боришмоқда. Лекин уларнинг ҳаммаси ҳам ула-

рининг амалий ишларида чет эллик ҳамкасбларнинг таърибаларини қўллашга тани йўқ. Улар хорижда бўлганликлари ҳақида ҳисобот берадилар, бироқ чет эллик ҳамкорларнинг таърибаларини амалга ошириш борасида ҳеч қандай масъулият сезишмаяпти. Бу борада ҳам чоралар қўрилоқ.

Раҳбар обрўси унинг доимий хайрли ишлари, муваффақиятлари билан мустаҳкамланиб бориши зарур, акс ҳолда мансаб курсисига ёпишиб олишнинг нима ҳолати бор? Уни бошқа, қобилиятлироқларга бушатиб бериш керак.

Раҳбарларимиз керакли хулосаларни чиқариб оладилар, уларга топширилган вазифаларга масъулият билан ёндошиб, почта ва телекоммуникация соҳасини янада ривожлантириш, мамлакат иқтисодийтини мустаҳкамлаш, халқимиз турмуши фаровонлигини ошириш борасида ташаббус курсатиб, сидқидилдан меҳнат қиладилар деб умид қиламан.

**А. КУДИНОВ**  
суҳбатлашди

Утган йил «Тошкент шаҳар телефон тармоғи» ҳиссадорлик жамияти учун сермақсул йил бўлди. Бозор иқтисодиётидаги айрим қийинчиликларга қарамай, корхонада ҳам техник, ҳам сифат курсаткиларининг барқарорлашувига эришди. Телефон тармоқларини замонавий техника билан тақомиллаштириш натижасида сифат курсаткилари анча яхшиланди.

Телефон алоқаси йуллари соғанди, ишламаётган телефонлар учун берилмаган бюртмалар сони камайтирилди, йўл-кабель иншоотларининг ҳолати яхшиланди. Рақамли телефон тармоқларини ташкил этиш, радиореле ва оптик толали алоқа йулларини қуриш, технологик жараёнларни янгилаш тўғрисида шундай ютуқларга эришди.

Бугундай эскирган АТСларнинг одимлаб ишловчи тизими қисман тугатилди. Миқозлар билан автоматлаштирилган ҳисоб-китоб тизи-

йили 4128 та шикоят қуриб чиқилган бўлса, 1999 йили бу рақам 2614 тани ташкил этди. 1998 йили алоқа хизмати учун 2671 та шикоят тушган ва қуриб чиқилган бўлса, 1999 йили бу курсатки 1570 тани ташкил этган эди. 1999 йили телефон урнатиш ва телефон рақамларини алоҳида қилиш бўйича 1039 та муножаат бўлиб, амалда бу муножаатларнинг ҳаммаси ижобий ҳал қилинди. 1998 йили бундай муножаатлар 1457 тани иборат эди. 1998 йили асосланган шикоятлар 408 та эди, 1999 йили эса 175 тани ташкил этди.

Алоқа тармоқларининг яхши ишлашига салбий таъсир курсатаётган бугунги муаммолардан асосийсини айтиб ўтмасдан иложимиз йўқ. Бу — кабель, телефон симлари ва устунларини, қудуқ қопқоқларини уғирлаш, уларга зарар етказиш каби ҳолатлардир. Қўпгина ташкилотларнинг ходимлари, йўл фаррошлари ва аҳоли томонидан қудуқларга ахлатлар, чиқиндиларнинг ташланиши

## ЭЛ-ЮРТ ХИЗМАТИДА

Когон тумани электралоқа боғламасида ҳалол меҳнати билан эл-юрт хурматига сазовор бўлган кишилар талайгина. Улардан бири — корхонада узоқ йиллардан бери хизмат қилиб келатган моҳир кабелчи-пайвандловчи Саъдулла Бобоевдир. У Вобкент туманида туғилиб, вояга етган. Урта мактабни битирган, Қўрғонтепа давлат ҳужалиги техникумида таълим олган. Қўшини тугатган, маълум муддат ветеринар-фельдшер сифатида фаолият қурсатди. Сунгра Когондаги 45-қишлоқ хунар-техника билим юртида ишлаб чиқариш таълими устаси бўлиб ишлади. Мана 19 йилдики, Когон тумани электралоқа боғламасида кабелчи-пайвандловчидир.

Ушбу электралоқа боғламасида 102 киши меҳнат қилади. Шаҳар телефон тармоқлари муҳандиси Шабон Бозоров бошчилик қилаётган бўлимда 22 киши меҳнат қилади. Уларнинг 5 нафари кабелчилардир. Саъдулла Бобоев ҳам ана шу бўлимда ишлайди. У билан елкама-елка хизмат қилаётган Абдуғаффор Раҳматов, Эркин Нурматов, Шавкат Сунатовлар ҳам кўп йиллардан бери алоқачилик касбинини шарафлаб келишмоқда.

Кабелчи-пайвандловчилик осон иш эмас. У кишиндан кунт, чидам, сабр-тоқат, зарур ҳолларда эса дадиллик ва жасорат ҳам талаб этади. Айнан ана шу хислатлар муҳассаллашган кишиларгина бу касбда узоқ ва самарали меҳнат қила оладилар. Туман электралоқа боғламасида белгиланган таъширларнинг уз вақтида бажарилишида, аҳолига сифатли алоқа хизмати курсатишга юқори натижаларга эришилаётганлигида Саъдулла Бобоев ва унинг ҳамкасбларининг ҳиссаси бор.

Истиқлол йиллари туман электралоқа боғламасида туб ўзгаришлар рўй берди. Масалан, утган 1999 йилда янги телефон станцияси ишга туш-

ди. Ҳозирги пайтда тумандаги барча жамоа ҳужалиқларида ишлаб турган автомат телефон станциялари ёрдамида ҳамдустлик давлатлари, хорижий мамлакатлар билан телефонда бемалол боғланса бўлади.

Аҳолига телефон хизмати курсатиш анча яхшилланган. Электралоқа боғламасида аҳолидан абонент туловларини қабул қилиш, шаҳарлараро сузлашувлар, шошилинчномаларни олиш ва жунатиш сингари хизматлар йўлга қўйилган.

Утган йили ушбу электралоқа боғламаси бўйича жами 8 миллион 198 минг сумлик соф фойда олинди. Даромад эса режадаги 50 миллион сум урнига 61 миллион 225 минг сумни ташкил этди.

Ҳозирги пайтда туман бўйича қишлоқ жойларида жами 914 та телефон нуқталари бўлиб, уларнинг 740 таси хонадонларда ишлаб турибди. Когон шаҳрида эса 5291 та телефон нуқтаси мавжуд, уларнинг 4572 таси аҳоли хонадонларига урнатилган.

Утган йили имтиёзли равишда телефон урнатиш ҳуқуқига эга бўлган уруш ноғиронлари, афгон уруши қатнашчилари, Чернобыль АЭС ҳалокатини бартараф этишда қатнашган киши-

ларнинг 28 нафари ана шу имтиёздан баҳраманд бўлдилар.

Когонлик алоқачилардан бири — ҳижомиёз қаҳрамони — Саъдулла Бобоев ҳақида 1999 йил ўчмас эф қолдири. Республика миқолидаги 8 йиллик байрами арафасида пешқадам алоқа хизмати ходимлари қатори унга ҳам «Шўхрат» медали берилди.

Саъдулла Бобоев бу йил узининг 50 баҳорини кутиб олди. Унинг умр йулдоши Моҳира Нурсатова қурилиш муҳандисидир. Аҳил оилада 4 нафар фарзанд вояга етмоқда. Шўхрат ота касбини танлади, ҳозирги пайтда у Тошкент электротехника Алоқа институтига таълим олмоқда. Бахтиёр — Душанбе шаҳридаги жаҳон тиллари институтига талабаси. Лола — Бухоро 1 темир йўл станцияси соғлиқни сақлаш маскани мудирасидир, Санжар — мактаб укувчиси.

Эл-юрт ишига камарбаста бу оила аъзолари ва унинг бошлиғи — алоқа хизмати жонқури Саъдулла Бобоевнинг, у меҳнат қилаётган аҳил ва ишчан жамоанинг орзу-ниятлари ушалишига тилақдошимиз.

**А. ИСТАМОВ,**  
Бухоро вилояти

## АРИЗА ВА ШИКОЯТЛАР КАМАЙДИ

ми тузилди. Натижада ҳисоб-китоб ишларини тезликда бажариш имконияти туғилди. Алоқа хизматларини курсатиш бўйича ягона компьютер тармоғини тузиш ишлари тугаланиш арафасида.

Почта ва телекоммуникацияларни ривожлантиришни давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жамғармаси ва жамоамизнинг маблагини ҳисобига қўрилган алоқа иншоотлари ҳисобига 1999 йили халқ ҳужалиги ҳамда аҳолини телефон алоқаси билан таъминлаш бирмунча тезлаштирилди. Алоқа тармоғи иш сифатини яхшилаш дастурининг бажарилиши ҳам уз самарасини берди. Ишлаётган АТСларни кенгайтириш ишлари бажарилиди. АТС ва тармоқларнинг фойдаланилаётган ва янги ишга туширилаётган ҳажмларидан ҳам тула фойдаланишга эришилмоқда.

Телефон урнатиш учун берилган аризаларнинг ва АТСларнинг бўш ҳажмларини таҳлил ва тафтиш қилиш натижасида шаҳар бўйича беш йил ва ундан ортиқ навбатда турган абонентларнинг талаблари қондирилди. Жорий йилнинг 1 январь ҳисоботида кура, телефон урнатиш ҳақидаги аризаларнинг сони кескин камайитрилди.

Телефон алоқа тармоғининг иш сифатини ошириш натижасида ёзма ва оғзаки шикоятлар ҳамда муножаатлар сони қисқарди. 1998

ва уларнинг ёқиб юборилиши ишимизга анча салбий таъсир курсатмоқда.

Ташкилотларнинг уз ишларига совуққонлиги натижасида қурилиш ташкилотлари томонидан ер ишлари олиб борилаётган вақтда телефон кабелларининг шикастланиши ҳоллари ҳам рўй бермоқда.

1999 йилнинг узида 5 мароубада кабель шикастланиши рўй берди. Натижада 1666032 сум ва кабель махсулотларини уғирлаш натижасида (117 ҳолат) 5469493 сум жамоамизга зарар етказилган.

Бу долзарб муаммони ечиш учун ҳуқуматимиз томонидан рангли металл чиқиндиларини топшириш ҳақида уз вақтида фармон ҳам чиқарилди.

Жамоада ишни бир мароубада ташкил этиш ва унинг ижросини доимий назорат қилиш йўлга қўйилган.

Ижро интизомининг ҳолати мунтазам равишда назорат қилиб борилади. Уз ишига совуққонлик билан қараган хизмат вазифининг вақтида баҳармаган, Шикоят ҳамда муножаатларга сидқидилдан ёндошмаган ходимларга нисбатан жазо чоралари қўрилади. Буни яхши ҳис қилган жамоамиз аҳли катта масъулият билан иш олиб бормоқда.

**Б. МИРЗААХМЕДОВ,**  
«ТШТТ» ҳиссадорлик  
жамиятининг назорат  
хизмати бошлиғи

## ТАВРИКААЙМИЗ!

«Фаргона почтаси» ҳиссадорлик жамияти Ровон филиали жамоаси филиал оператори Савриддин ШАРОФИДДИНОВ ва Сариканда алоқа бўлими бошлиғи Дониёр АБДУРАҲМОНОВларни туғилган кунлари билан табриклайди. Уларга узоқ умр, сихат-саломатлик, ишларида муваффақиятлар тилайди.

Хурматли Файзулло ТИРКАШЕВ! Сизни туғилган кунингиз билан чин қалбимиздан муборакбод этамиз. Сизга узоқ умр, сихат-саломатлик тилаймиз.

Турмуш ўртинингиз Оқила ва кизингиз Ирода, Андижон вилояти, Улғунор тумани

«Андижон Телеком» ХЖ жамоаси ҳиссадорлик жамиятининг лаборатория муҳандиси Владимир ГАССНИ 55 ёши билан самийий табриклайди. Унга узоқ умр, тани-сихатлик, ишларида улкан зафарлар тилаб қолади.

Эй фарзанд, бу ҳадисга не дерсан: «Ислои беш амал ила бино қилинди: Биринчиси: — Худонинг ягоналиги ва Муҳаммадининг пайгамбарлигига иймон келтириш; иккинчи амал — беш вақт намозни адо этиш; учинчиси — закот бериш; тўртинчиси — Рамазон ойида руза тутиш; бешинчиси қурбн етса, киши умрида бир марта ҳаж зиёратини қилмоқдир».

Шу беш амалнинг аввали — иймон ҳусусида. Иймон — пайгамбар зикр этмиш ҳукмларни тил билан айтиб, дил билан тасдиқлаб, жон-тан ила унга амал қилмоқликдан иборат. Керакли ва фойдали амаллар учун беҳисоб далиллар бор. Ва лекин бандаси ёлғиз Оллоҳ таолога тоат-ибодат қилгандагина ул зоти мукаррамнинг фазлу карами ила жаннатга эришади. Чунки, «Фақат ва фақат эзу амаллар қилгучиларгина Оллоҳнинг раҳматига лойиқ ҳам сазовордир».

Агар суралсаки: «Ёлғиз иймон бирла киши жаннатга эришадими?». «Ҳа», деб айтуризмиз. Аммо, иймон билан жаннатга эришгунча банданинг қаршида қандайдан-қанча баланд ва машаххатли довлар бор! Ушал довларни ошиб ўтмай жаннатга етмоқ душвор. Ул довларнинг энг аввали амал ва хатарисини «Иймон тоғи»дир. Ҳар банда умри поёнига иймонни шайтон дастидан саломат етказиб олурми ё йўқ — ҳамма гал ана шунда! Агар шу машаххатли ишнинг удрасидан чиқса, қурбн етса — ушандагина ёлғиз иймон билан (яъни бошқа амалларсиз) жаннатга дохил бўлуғи.

Ҳасан Басрий раҳматуллоҳи алайҳи демишлар: «Эрта қўямат кунда Олло таоло бандаларига айтар экан: «Эй, бандаларим, фақат менинг раҳматим ва фазлим бирла жаннатга кириш ва қилган амалларингизга яраша улуш олинг». Шунда амалсиз кишилар бундан маҳрум бўлиб, бебаҳра қолурлар».

Эй фарзанд, огоҳ бўл: Амал қилмасанг, савоб топмайсан.

**ҲИКОЯТ.** Бани Исроил қабилисандин бир киши етмиш йил Худого тоат ибодат қилди. Худо бу кишининг аҳволини

**Имом ҒАЗЗОЛИЙ**

**ОХИРАТНОМА**

фаришталарига билдиришни хоҳлаб бир фариштани унинг ҳузурига йўлади ва дедиди: «Бориб айт, шунча ибодати билан ул банда менга лойиқ эмасдир». Оллоҳнинг бу галини фаришта етказди. Шунда ул банда жавоб берди: «Биз ибодат учун яратилдик, ибодат бизларга вожибдур». Фаришта Худо ҳузурига қайтиб: «Йилоҳ, — деди, — ул банданг не дегани узинга аёндир». Шунда Оллоҳ айтди: «Ул бандам менинг ибодатимдан юз угирмади, бас, мен ҳам фазлу карамим бирла ундан юз угирмасман. Эй фаришталарим, гувоҳ бўлинг, мен уни мағфират қилдим».

ки бирон бир амалга ҳаракат қилмасдан жаннатга эришаман деб умид қилса, бас у касбсиз (яъни мутахассис бўлмай туриб бир касбни даъво қилиш каби, Тарж). Оллоҳни тиловчидир. Ва еҳуд кимики, жидду жаҳд ила жаннатга эришаман, деб фикр қилса, бас, у киши ҳам ўзини машаххатга қўйбди. Ҳасан Басрий раҳматуллоҳ дедилар: «Амалсиз жаннатни талаб қилмоқ гуноҳларнинг биридир». Ва яна айтдилар: «Амалга эътимом қилиб, унга сунъий ҳам қолма, амални тарк этиб, ундан юз ҳам угирма — ана шундагина жаннатга дохил бўлгайсан». Муҳаммад алайҳиссалом айтдилар: «Ақли киши шул ашхсия, — ақли

**Ислои маърифати**

Мана, кўринг, бу киши фақат ибодат билан Оллоҳнинг розилигига муяссар бўлди.

**ҲАДИС.** Муҳаммад салаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар: «Қўямат суроғидан аввал ўз-ўзингизга ҳисоб бериб туринг, Оллоҳ қўямат тарозисига қўямасдан олдинроқ ўз амалларингизни ўлчаб юринг. Али карамаллоҳу ваҳоҳу айтдилар: «Ким-

нафсидан ғолиб келадур ва улгандан кейин тирлишини биллиб яхши амаллар қилур. Ва аҳқоқ киши шул кишики, — нафси хоҳишига эргашиб, яна Оллоҳ мағфират қилишдан умидвор булур».

Эй фарзанд, огоҳ бўл, кечалари китоб мутлоа айлаб, уйқунгни ҳаром қилдинг. Бундан мақсад не? Агар ниятинг дунёвий обрў-эътибор топишу мол-мулк тулпаш ё бу фоний дунёда бирон-бир мансаб, лавозим эгаллаш ва ёки яқинларинг у тенгдошларинг орасида мақтанаш бўлса, унда ҳолингга вой!...

Ва агар мақсадинг Расулуллоҳ шариятларини тирилтирмоқ ва ёки ҳулқингни покламоқ ила ёмонликка буорувчи нафс буйини сиңдирмоқ эрса, унда сенга шарафлар бўлсин! Шоир айтган экан: «Қуларким, сендан (Худодан) бошқани деб уйғоқ турмоғи бекордир. Ва шу кузларим сендан бошқани йўқотиб йиғласа, — бас. Йиғламоқ фақат Оллоҳ учунгина бўлмоғи лозим».

Эй фарзанд, Оллоҳнинг амри билан бу дунёда қанча хоҳласанг шунча яша-гил, лекин алал-оқибат уни тарк этурсан. Улгандан сўнг, ҳолим мушкул бўлмасин десаңг, «бугун фикр қил! Навики хоҳласанг, узингга дуст тут, аммо барибир ундан ажраласан. Ва нимаинки амални хоҳласанг — қил, шунга яраша тақдирланурсан. Яхши амалга — яхши ҳукм, ёмон амалга — ёмон ҳукм».

**9 апрель — Амир Темур тугилган кун**

**СОҲИБҚИРОН ҲИТОТЛАРИ**

• Давлат ишларининг тўққиз улуши кенгаш, тadbир ва машварат, қолган бир улуши эса қилич билан бажо келтирилуғи.

• Ишбилармон, мардлик ва шижоат соҳиби, аъзи қатъий, тadbиркор ва ҳушёр бир киши, минг-минглаб тadbирсиз, лоқайд кишилардан яхшидир.

• Гарчи ишнинг қандай якунланиши тақдир пардаси ортида яширин бўлса ҳам, ақли расо ва ҳушёр кишилардан кенгашу тadbир истаб, фикрларини билмоқ лозимдир.

• Бир ишга киришмай туриб, ундан қўтилиб чиқши йўлларини мулжаллаб қуй.

• Қилмоқчи бўлган ишларини қилмасдан қолдирмасинлар. Агар бирор ишни қилмасликка сўз берар эканлар, яқинига ҳам йўлмасинлар. Хотирдан чиқмасинки: Тангри таоло жасур кишиларни ардоқлайди.

• Кенгаш икки турли булур: бири — тил учида айтилгани, иккинчиси — юракдан чиққани. Тил учида айтилганини (шунчаки) эшитардим. Юракдан айтилган маслаҳатни эса қалбим қулоғига қуярдим ва дилимга жойлардим.

• Бирон ишни қилмоқчи бўлсам, кенгашиб олиб, кейин Қуръондан фол очардим ва Қуръон ҳукми билан иш қилур эдим.

• Юз минг отлик аскар қила олмаган ишни бир турги тadbир билан амалга ошириш мумкин.

• Агар ерда ва қукда икки худо бўлса, жаҳоннинг иши бузилур.

• Ерга еткур сабо, ким мақр қилмишдир манга, Қилди эрса кимга мақрин, қайтадур бир кун анга.

(Амир Хусайнга Амир Темурбек ёзган туркий байт.)

**БОЛАНИНГ ТИЛИ ШИРИН**


— Ник, нега сен усмайсан?  
— Мен бандман, усий-га вақтим йўқ.

Алиса бувисининг олди-га бориб сурди:  
— Бувижон, тишингиз борми?  
— Йўқ.  
— Унда музқаймоғимни ушлаб туринг. Мен уйнаб келай.

Бир инглиз Париж ресторандардан бирига кириб, қўзиқорин емоқчи бўлибди. Бироқ муддаосини официантга тушунтиролмабди. Уйлай-уйлай қозоғга қўзиқорин расмини чизибди-да, официантга узатибди. Официант бир неча дақиқадан сўнг ёмгирпўш кутариб келибди.

— Буйи узун кишидан икки ярим яшар болақай сурди:  
— Амаки, сиз баскетболчимсиз?  
— Йўқ.  
— Унда нега буйингиз узун?

ИНГЛИЗЧАДАН ТАРЖИМА



Тошкентдаги Темурийлар даври тарихи давлат музейи.

**НИКОҲ КИМГА МУҚАДДАС?**

**Бу—қизиқ!**

Америкалик социолог Теодор Гринштейн никоҳни бекор қилишга мойил бўлган касб эгалари рўйхатини тузди. Эрақлар уртасида ёзувчилар, ресторатор хўжайинлари, юк машиналари ҳайдовчилари, механиклар, рассомлар, қурувчилар ва ҳарбийлар никоҳда беқарор экан. Аёллар орасида эса рес-

торан ходимлари, сотувчилар, фабрика ходимлари, кўчмас мулк агентлари ва саргарошлар кўпроқ эр-хотин муносабатларини бекор қилиш ташаббускорлари бўлиши мумкин. Дин пешволари оилани муқаддас ҳисоблар экан. Гринштейн турли мамлакатларда яшовчи 15.579 нафар киши уртасида сўров ўтказганида улар-

нинг орасида бирорта ҳам хотинини талоқ қилган рўхонини учратмади.

Сўровда электриклар, мактаб директорлари, фермерлар, компьютерчилар, сугурта агентлари, ҳисобчилар, шахтёрлар оилапарвар инсонлар эканлиги маълум бўлди. Айниқса, банк фазначилари ҳақиқий оила бекалари ҳисобланаркан.

**МУАССИС:**  
Ўзбекистон почта ва телекоммуникациялар агентлиги

Бош муҳаррир:

Шодмон ОТАБЕК

**ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:**  
Шомансур ОБИДУҲАЕВ  
Шухрат ЖАББОР  
Анатолий КУДИНОВ  
Иззат АҲМЕДОВ  
(Бош муҳаррир ўринбосари)  
Абдуғани АБДУРАҲМОНОВ  
(Масул котиб)  
Мирпўлат МИРЗО  
Рустам ҚОСИМОВ  
Қуролбой ТҮЛЕБОВ  
Ёқубжон ХУЖАМБЕРДИ

**ЖАМОАТЧИЛИК КЕНГАШИ:**  
Сайдмаҳмуд АКБАРОВ  
Шохруҳ АКБАРОВ  
Ортиқбой АБДУЛЛАЕВ  
Меҳмонкул ИСЛОМҚУЛОВ  
Тўлқин ЛУТФУЛЛАЕВ  
Бобоҳон ШАРИФ

**МАНЗИЛИМИЗ:** 700000 Тошкент-35, А. Толстой кўчаси, 1.  
**ТЕЛЕФОНИМИЗ:** 136-36-42, 136-35-29, 144-29-09.  
Факс: 136-36-42.  
ИНДЕКС: 64600  
ЖУМА КУНЛАРИ ЧИҚАДИ

Муҳарририятга келган қўлзмазалар (2 ораликда, 5 бетдан ошмаслиги лозим) ва суратлар муаллифларга қайтарилмайди. Мақолалардаги фикр-мулоҳазалар, келтирилган факт ва рақамлар масъулияти муаллифларга зиммасидадир.  
Рўйхатга олиш №00011. Буюртма № Г-312.  
7225 нусхада чоп этилди.  
Офсет усулида босилди.  
Бичими А-3, ҳажми 1 босма табок.

**ДОҲОЛАР БИСОТИДАН**

Уч хил кишига яхшилик қилиб бўлмайди. Биринчиси, дангасага, улар экин усмайдиған тошлоқ ёки шўр ерга ўхшайди, унга қанча яхшилик уругини эмагин, барибир қукариб чиқмайди, яъни тавсир этмайди. Иккинчиси, орсиз ва ҳавсиз кишилар бўлиб, уларга яхшилик қилсанг, буни тушунми ёки раҳмат айтиш ўрнига, мёндан қўрқанидан қилпяти, деб уйлайди. Улар янада тумшукларини кутариб, кўпроқ нарса талаб қиладилар. Яна бири — аҳқоқ кишилар бўлиб, сен қилган яхшиликнинг қадрини билмайди, унинг фарқига ҳам бормади.

Боснига топширилди — 19.00  
Боснига топширилди вақти — 18.00

